# Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармаси



## Наврўз аёмингиз билан муборакбод этади!

### НАВРЎЗ КЕЛДИ!

Тозалигу ҳалолликда фариштага қиёс Наврўз!
Гўзаллигу адолатда Сиёвушга тимсол Наврўз!
Жами борлиқни ўзига шайдо этган висол Наврўз!
Минг-минг йиллик тарихидан сўйлагани Наврўз келди!

Қарамликдан озод диёр янги замон қурмоқдадир!
Мустақиллик дадил-дадил одим ташлаб бормоқдадир.
Ҳар фуқаро эркинликнинг гаштини ҳам сурмоқдадир!
Бу муборак давронларни кўтлагани Наврўз келди!

Жон юртимда бу кун фасли баҳор зуҳур айлар!
Озодлик бахтидан сархуш бўлиб, кўнгил ҳузур айлар!
Юртдошларим бу толедан мамнун бўлиб шукр айлар!
Бу айёмда бирлашиб суюнгани-Наврўз келди!

Муҳтарам маҳалладошлар ва тароватли ўлкамиз меҳмонлари!

**Сирғали тумани Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси**

***Сизларни яшариш ва уйғониш рамзи, баҳор байрами - Наврўзи олам билан қизғин муборакбод этади. Мустақил юртимиз равнақи йўлида саъй-ҳаракатларингизга ривож, оилаларингизга тинчлик-фаровонлик тилайди. Баҳорий насимлар келтирган хуш-кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.***

**Азиз юртдошлар!**

*Серкуёш юртимиз кўркига кўрк қўшиб, атрофимизни гулларга буркаб Наврўзи олам келди. Ушбу айём муносабати билан барчангизни муборакбод этамиз. Хонадонларингизда фароғат, дастурхонингизда қут-барака, юртимизда тинчлик барқарор бўлсин.*

**Яккасарой тумани Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси.**



«ШЎРЧИПАХТА»
ҳиссадорлик жамияти жамоаси

*Гўзал оламинг [illegible] шодликлари дилингизга нур, ҳаётингизга чароғонлик олиб киришини тилаб қолади!*

# НАВРЎЗ ИЛА КЕЛГАН ХУШ ТАРОВАТ.

2002 йил 20 март
№12 (290).

*Қалб мавжи*

*Баҳор гўзалликлари қалбларда шеър ҳавасини уйғотади. Кекса онахон Гулжаҳон Абдураҳмонова ҳам кўклам манзараларидан илҳомланиб, ўз ҳис-туйғуларини шеърга солиб, таҳриратимизга йўллабди.*

## НАВРЎЗ

Гўзал Наврўз, гул Наврўз,
Таърифингга йўқдир сўз.
Лаб очар ғунча қийғос,
Нурин сочади қуёш.

Ариқларни тўлдириб
Сувлар оқар шалдираб,
Булутларнинг ортидан,
Чақмоқ қувар қалдираб.

Сочин тарайди кўклам,
Гулга бурканур олам.
Уйғонур борлиқ, ҳаёт,
Етти иқлим, коинот.

Қушлар сайрар наъма соз,
Дилни этиб сарафроз.
Турфа гуллар поёндоз,
Наврўзим қилар эъзоз.

Димоғларга урилар
Ҳушбўй анвойи атир.
Кўк сомсаю кўк патир
Ҳиди оламга татир.

Алпомишлар сурар от,
Барчинлар бўлур қанот.
Қилар кексалар дуо:
Юртга тинчлик муддао.

## ЯШАНГ, КЕЛДИ ЗАМОНЛАР

Ватан меҳри, ғурури,
Юрагимда шуури.
Отам, онамдир бахтим,
Сулаймон тожу тахтим.

Отам, онам савлатим,
Қудратли юрт давлатим.
Қаторда қўша норим,
Соябоним, чинорим.

Юзлари нури офтоб,
Ҳар айтгани бир китоб.
Билдим не увол савоб,
Пойини этгум тавоф.

Керак бўлса жонимни,
Жонларига улашгин.
Эътиқод, иймонимни,
Раббим, ўзинг қўллагин.

Волидаи қиблагоҳ,
Босган изи саждагоҳ.
Ортда қолди армонлар,
Яшанг, келди замонлар.

Қари эмас, фаришта,
Маслаҳатгўй ҳар ишда.
Омон бўлса кексалар,
Ризқу рўзлар юксалар.

**Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА.**

Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ

# НАВРЎЗИЙ САТРЛАР таровати

***Ўзбек адабиёти тарихида Наврўз ҳақида жуда кўп шеърлар ёзилган. Лекин улар орасида қайси бири сизга кўпроқ ёқади, дейишса, мен ҳеч иккиланмай, Очилди Мирий (1830-1899)нинг Наврўз ҳақидаги қасида ёки «Наврўзнома»си, деб жавоб берган бўлур эдим.***

Бу 20 байтдан зиёд шеърида Мирий Наврўзнинг тарихи ва моҳиятини чуқур очиб берган, дейиш мумкин. Мирий ҳам ўз қасидасини табиат мадҳидан, ундаги гўзалликни улуғлашдан бошлаган:

**Биҳамдиллаҳки, олам сабзазор ўлдию равшан ҳам;**
**Кетиб дай шиддати, найсони раҳмат қатраафган ҳам.**
**Очиб гул баргини; ашжорлар бўлди тароватбахш;**
**Ҳам андоқ руҳпарвар ғунча икдин очти гулшан ҳам.**
**Паривашлар юзидек очти рухсорини шохи гул;**
**Сиҳи қадларга ўхшатмиш ўзини сарву савсан ҳам.**
**Фиғон булбулға тушти ишқ эли янглиғ ҳамоноким,**
**Чекиб фарёдини, булбулга гул бўлди нишиман ҳам...**

Бу - қасиданинг насиб - кириш қисми бўлиб, шундан кейин шоир Наврўз халқимизнинг энг қадимги («дерина») урф-одатлари билан боғлиқ эканини, бу байрамдан элдаги бир гуруҳ одамлар эмас, балки барча кишилар - хотину эркак, ёшу қари, дўст ҳам, душман ҳам баҳраманд бўлишини, хурсандчилик қилишини, баъзилар орасида бир нохуш гап ўтган бўлса шу куни ярашиб олишларини, «сари сол»га яъни янги тилга дўстлик туйғулари билан қадам қўйишларини баён қилишга киришади:

**Ки чун наврўзи олам келса бордур расми дерина;**
**Тарабанез ўлуб, сайр этгусидур мард ила зан ҳам.**
**Нашот асбобини омода айлаб ҳар наким бўлғай,**
**Қилурлар неча кунлар айшу ишрат дўсту душман ҳам.**
**Сари сол ўлдию бўлди ҳамул расми қадимий фош;**
**Муҳайё нуқлу шарбат такяда, базм ўлди якфан ҳам.**

Шоир Мирий ўз олдига умуман Наврўзни мадҳ этишни эмас, балки маълум бир тарихий муддатда, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманининг Каллиқурғон деган жойида ўша ердаги катта амалдорлардан бўлмиш Мирза Зариф деган киши раҳбарлигида нишонланган Наврўз байрамини тасвирлашни мақсад қилиб қўйган. Мирза Зариф бу байрамни яхши ўтказиш учун махсус чодирлар («тамёнаю хиргоҳ») тиккан, саккиз гўшали, жаннатою («мусамман») жойлар ясаган, курашга тушган паҳлавонларга қимматбаҳо тўнлар кийдириб, совға-саломлар («симу зар») улашган, тиланчиларнинг чўнтак («жайб») ва этакларини пул билан тўлдирган:

**Уруб шамёнаю хиргоҳини Мирза Зариф андоқ,**
**Ҳамоно рубъи маскун ичра тарҳ этти мусамман ҳам.**
**Қавий ҳайкал йигитларга берибон тўну сийму зар,**
**Худ ўлса паҳлавон, инъом ила қилди таҳамтан ҳам...**
**Ҳумон саъдни Ҳақ айласун онинг мададкори,**
**Ки тўлдурмиш гадо жайбини, эҳсонида доман ҳам.**

Бу қасида айниқса созанда («муғанний»)лардан танбурчилар, ғижжак чалувчилар, чирмандакаш (дафзан»)лар чолғу асбоблари овозини фалакдан оширган, қўшиқлар янграган. Раҳмонқул деган қизиқчи («мусаххар») эса ҳаммани кулдириб, ичагини узган. Қўлини силкитиб ўйнаган ёш раққосалар ҳам халқ олқишларига сазовор бўлишган:

**Муғаннийлар тузуб танбуру ғижжак нағмасида рост,**
**Алолосини кўкларга солиб андоққи дафзан ҳам,**
**Жавонлар дастаафшон ўйнабон, халқ айлади вола;**
**Қизил гул баргидек рухсори, кисват юз мулавван ҳам.**
**Мусаххар айлаган масхаралик мулкини Раҳмонқул;**
**Бағир қотмоқ сўзидан элга, кулгулик анга тан ҳам.**

Мирий яшаган даврда катта йиғинларда томошабинларни чой билан таъминлашда самовардан фойдаланиш ҳам, чамамда, кенг расм бўла бошлаган экан шекилли, шоир бу тўғрида ёзишни ҳам эсидан чиқармаган:

**Самовар анда сори туман жўшу хуруш айлаб,**
**Томошотда чарх ойи қуёшдин очти равзан ҳам.**

Бу хурсандчиликлардан боши осмонга етган шоир Оллоҳдан рози бўлиб, ўз халқи бошидан бахт ва иқбол қуши ўз соясини сира тарк этмасин деб орзу қилади:

**Илоҳо, икки оламда мусулмонларни хушнуд эт;**
**Ҳумоий саъду иқболингни қилғил сояафкан ҳам.**

Очилди Мирий халқ орасида юрган, қозилик мансабида турганда кўп одамларга яхшилик қилган, одамгарчилиги юқори, шеърий завқи юксак бир ижодкор бўлиб, мазкур қасидасини ижодкорни янада бир-бири билан жипслашишга, қувончли кунларда беморларни ҳам эсдан чиқармасликка, ўзини ҳам ҳеч қачон бундай савобли ишлардан четда турмасликка тарғиб этиш билан тугаллаган:

**Томошо сайрини қилмоқ учун кетти ҳама аҳбоб.**
**Не бўлғай, Мирий, борсанг дўстларни кўргали сен ҳам.**

Мирий бу мадҳиясида кўп асрлик ўзбек шеъриятининг энг гўзал анъаналарини давом эттирган ва янада ривожлантирган ҳамда бу асари билан мумтоз адабиётимиз хазинасини бойитган. Бунда у Наврўз байрамини нишонлашнинг мукаммал дастурини ташвиқот этган, - дейиш ҳам мумкин.



*Наврўзда алёр айтинг,*
*Гул юзли келинчакка.*
*Ҳадемай бошин эгсин,*
*Уйдаги беланчакка.*

Н.НУРИНБОЕВ ОЛГАН СУРАТ

## Анвар Санаев:

# «БУНДАЙ ЮРТДА, БУНДАЙ ПАЙТДА КУЙЛАМАЙ БЎЛМАС»

Баҳорда байрамлар кўп. Куй ва қўшиқлар кўп. Санъат кишиси борки, мана шу фаслдан илҳом, куч-қувват олади. Янада жўшиб куйлайди. Бу кунларда қайси даврада бўлманг, ўзингиз севган санъаткорнинг қўшиқлари юрагингизга оқиб кираётганини сезасиз. Зеро, кўклам - қўшиқлар фасли, иссиқ дийдорлар фасли. Ана шу кунларда ўз қўшиқлари билан кўпчиликнинг меҳрини қозонган хушовоз хонанда Анвар Санаев ҳамроҳи - қизиқчи Зокиржон Ўрмонов билан бирга андижонлик мухлислари даврасида бўлдилар. Бўз, Балиқчи, Пахтаобод, Избоскан туманларидаги Мадания, Намуна, Пойтуғ сингари қишлоқлар ҳамда ширкат хўжаликлари аҳли унинг дилтортар қўшиқларини тинглаб ҳузурланишди. Ўша кунларда биз хонандани бир лаҳзалик суҳбатга тортдик.

**- Самарқанднинг Пахтачи туманидагилар ҳар гал қўшиқларингизни эшитганда сиз билан фахрланишса ажабмас. Негаки, ўша гўзал масканда илк қўшиқларингизни айтиб улғайгансиз. Биринчи устозингиз ким бўлган?**

- Отам Исмат Санаев куй-қўшиққа ўта иштиёқманд эди, мени доимо қўшиқ айтишга ундарди. Кейинчалик амакимдан овозни созлаб айтиш машқини олдим. Эндиликда бастакор Рустам Маҳмудов билан ҳамкорлик қилаяпман. Ватан, она, муҳаббат мавзусидаги кўпгина қўшиқларимни биргаликда яратганмиз.

**- «Онажоним сизни эсладим» деган қўшиғингизни кўпчилик кўзда ёш билан эшитишади. Мухлисларни шунчалик таъсирлантирадиган қўшиқларнинг сеҳри нимада?**

- Санъаткор қўшиқни юрагидан берилиб айтиши керак, деб ўйлайман. Она ҳақида куйлаётиб, бу мукаррам зодга меҳр-муҳаббат юрагингда оловдай ёниб турса, ана шу олов тафти товушингда акс-садо бермайдими, ахир?! Мен ўзимни ҳайратга, ҳаяжонга солган нарсалар ҳақида кўпроқ куйлагим келади.



**- Сизни ҳайратга, ҳаяжонга солгувчи нима, ўзи?**

- Қай бирини айтай. Она юрт севгисиними ё одамларга меҳру муҳаббатними? Қаранг, бизнинг юртимиз қанчалар чиройли! Бу юртнинг ҳуснига боққанинг сайин илҳомланаверасан, киши. Шундай юртда янада баландроқ куйлагим, янада дилбар қўшиқлар яратгим келаверади. Бунинг учун кўпроқ изланишим керак, ҳали...

- Ниятингизга етинг. Мухлисларингиз сиздан яхши қўшиқлар кутиб қолади.

**Адаҳамжон ОМОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## СПОРТ

### БАҲОР ЎЗГАЧАДУР, ФУТБОЛ ЎЗГАЧА



*Мана, фасллар келинчаги баҳор билан бирга юртимизга катта футбол мавсуми ҳам ташриф буюрди. Миллий чемпионатимиз ўн биринчи бор катта йўлга чиқди. Кубок баҳслари давом эттирилмоқда.*

Мавсум Қаршининг “Насаф” клуби Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсларнинг якунловчи босқичига йўл олгани билан бошланди. Яқинда Осиё футбол конфедерациясидан яна бир хушхабар келди: “Насаф” февраль ойида қитъамизнинг энг кучли клуби сифатида эътироф этилибди. Ҳаттоки, халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг энг кучли клублар рейтингида юртдошларимиз собиқ иттифоқ ҳудудидаги кўплаб номдор жамоаларни ортда қолдиришга эришгани кўнглимизга умид чироғини ёқиши табиий.

XI чемпионатнинг илк турида ўтган йилги чемпион “Нефтчи” Қашқадарёда “Насаф” билан куч синашди. Ушбу учрашувда бизнинг футболимизда камдан-кам рўй берадиган натижа — фарғоналикларнинг 0:2 ҳисобидаги мағлубияти қайд этилди. Апрелда Эронга чемпионлар кубогига йўл олиши муносабати билан “Насаф” учинчи тур учрашувини ҳам муддатидан аввал ўтказиб ғалаба қозонгани боис чемпионат пешқадами ҳам булиб турибди.

Мавсум арафасида жуда кўп мунозараларга сабаб бўлган “Пахтакор” ўзи учун ноқулай рақиб “Трактор” майдонида тўп сурди. Дастлабки автогол, яъни тракторчиларнинг ўз дарвозаларига йўллаган ягона тўпи Виктор Жалилов раҳбарлигида чемпионатда стартга чиққан пахтакорчилар, дарҳақиқат, бу йил олтин медаллар учун курашга астойдил бел боғлаганлигининг ифодасидай туюлди. Агар кубок учун баҳсларнинг дастлабкисида “Пахтакор” “Дўстлик устидан ишончли ғалабага эришганини ҳам эсласак, миллий терма жамоанинг асоси пойтахтда тўплангани ҳақиқатта ўхшайди.

Наманганнинг “Навбаҳор” жамоаси илк учрашувдаёқ мағлубиятга учради. Фарҳод Магомедов командаси бухороликлардан енгилиб, сафардаги ўйинлар ҳали ҳам жамоанинг заиф томони эканини кўрсатишди.

Келинг, янги мавсум авалида футболчиларга чиройли ўйинлар, ажойиб голлар, ишқибозларга лаззатли онлар тилайлик.

Мирзаҳаким Тўхтамирзаев

**Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани 43-ўрта мактаб томонидан 1995 йил Ниёзалиев Музаффар Турдалиевич номига берилган 067257 рақамли 8 йиллик маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

# СКАНВОРД




Тузувчи: Акрамжон ХЎЖАМОВ




MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ,
Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР,
Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъналберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ,

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи: Алишер ЙЎЛДОШЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма табоқ.
Буюртма Г-3337

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.
Топширилди—20.30